ДУНЁГА ДОВРУҒИ ДОСТОН БЎЛГАН ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ — 2-бет

АЁЛ — ОЛАМ БЕЗАГИ — 4-5-бетлар



АСКАР БОЛАМДАН ЎРГИЛАЙ — 6-бет

СУНЪИЙ ЁМҒИР ҚУРИЛМАСИ — 8-бет



ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ | № 137 (10.190) | 2004 ЙИЛ 19 ИЮЛЬ


*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида

Миллий меъморчилигимизнинг ноёб дурдонаси — Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлигининг Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган Шоҳи Зинда жамоатчилик фондини (бундан кейин «Фонд» деб юритилади) тузиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин. Фонд Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориладиган даврда фаолият юритиши белгилаб қўйилсин.

Фонднинг Васийлик кенгаши таркиби ҳамда унинг ижрочи дирекцияси тузилмаси маъқуллансин. Васийлик кенгаши бир ой муддатда ижрочи дирекция раҳбарияти ва ходимлари таркибини тасдиқласин ҳамда у ўз вазифасини бажаришга киришсин. Мажмуада амалга ошириладиган ишларни бошқариш ва мувофиқлаштириш вазифаси Фонд ижрочи дирекцияси зиммасига юкланиши қайд этилсин.

2. Қуйидагилар Фонднинг асосий мақсад ва вазифалари этиб белгилансин:

— ноёб тарихий-меъморий иншоот ва муқаддас қадамжо ҳисобланган Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш;

— мазкур мўътабар масканнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу ерга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг кўламдаги зиёратларини уюштириш;

— ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, зиёратчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

— диний-маърифий ишларни ташкил этишда, айниқса, ёшларни миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга садоқат, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда аждодларимизнинг буюк меросидан самарали фойдаланишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Давоми 2-бетда.

## ҒАЛАБА МУБОРАК, РУСТАМ, ҒАЛАБА МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОН!



**Ер юзида жуда кўп турли миллат вакиллари яшашади. Улар орасидан ғолиблик чўққисига кўтарилиб, жаҳон шахмат тожини кийиш, халқини дунё кўзгусида кўрсатиб бериш, унинг салоҳиятини, интеллектуал фикрлаш доирасини бутун курраи заминга ёйиш толеи баланд ўзбек ўғлонига насиб қилганлиги барча юртдошларимизни қувонтириб юборди. Дунёга довруғи достон бўлган Рустам Қосимжоновни туғилиб ўсган гўшасида кутиб олиб, улкан ғалабаси билан бевосита табриклаш нияти деярли ҳар бир ҳамюртимиз дилида бор эди десак янглишмаймиз. Ниҳоят, орзиқиб кутилган лаҳзалар келди. Шу йилнинг 12 июлида миллатимиз фахрига айланган, бутун инсониятни ўзининг ўткир зеҳни, юксак қобилияти билан лол қолдирган шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ўтган куни пойтахтимиз аэропортида кутиб олинди.**

Давоми 2-бетда.






## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрлар

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида битирувчи бакалаврларга дипломлар топширилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** сиёсий партиялар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, Тошкент шаҳар ва туманлар Хотин-қизлар қўмиталари вакиллари иштирокида мамлакатимизда сайловлар ўтказишнинг демократик, ҳуқуқий асосларга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● **«ЭКОСАН»** жамғармаси «Бир йигитга қирқ ҳунар оз» шиори остида «Ибратли йигит» кўрик-танловини ўтказиш ташаббуси билан чиққан эди. Жамғарма фаоллари йиғилишида ушбу танловни ўтказиш қоидалари ҳақида маълумот берилди.

● **МИРЗО** Улуғбек туманида Миллий тикланиш партиясининг туман фаоллари билан учрашуви ташкил этилди. Унда партиянинг мақсад ва вазифалари, сайловга тайёргарлиги ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берилди.

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси «Суҳбатдош» мунозарали клуби ташаббуси билан партия аъзоларининг ёшлар иштирокида учрашуви уюштирилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● Тошкентда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатиш тизимидаги имкониятлар ва муаммоларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Наманган шаҳрининг шимолий томонидаги энг баҳаво етти гектарли боғ қўйнида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Меҳрибонлик уйи қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, бу ерда тарбияланувчилар учун махсус турар жой биносининг пойдевори ҳам қўйилди.

● Бугун Андижон вилоятининг Асака шаҳрида жойлашган мамлакатимиздаги дастлабки автомобиль заводи — «ЎзДЭУавто» корхонасининг ишга туширилганига саккиз йил тўлди.

● Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидаги Охунбобоев қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида обод гузар бунёд этилди. Асосий қурилиш харажатларини Салим Жўраев номли ширкат хўжалиги кўтарди.

● Бахмал туманида мевасабзавотни қайта ишлайдиган корхоналар сони яна биттага кўпайди. Янги барпо этилган помидор шарбати тайёрлайдиган «Бахмал томати» корхонаси мавсум давомида минг тонна помидорни қайта ишлаш қувватига эга.

● Наманганадаги пахта ипидан момиқ сочиқлар тўқишга ихтисослашган «Бунёд» ўзбекхитой қўшма корхонасида суюқ шиша ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

### Жаҳонда

● Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр раҳбарлик қилаётган лейбористлар партияси парламентнинг вакиллик палатаси учун бўлиб ўтган қўшимча сайловда ғолиб чиқди.

● Россия Федерацияси Мудофаа вазири Сергей Иванов мамлакат армиясида кенг кўламдаги ўзгартиришлар бошланишини маълум қилди.

● Доғистон Олий судида ўтган йилнинг декабрь ойида Доғистон ҳудудига ҳужум уюштирган Руслан Гелаев тўдасига тааллуқли жангарилар иши бўйича дастлабки муҳокамалар бошланди.

● Бразилиянинг ҳарбий ҳаво кучларига қарашли бўлган вертолёт Риу-Гранди-ду-Сул штатида қулаб тушди. Ушбу ҳалокат оқибатида олти нафар ҳарбий ҳаётдан кўз юмди.

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида

Давоми. Боши 1-бетда.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фондни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Фонд маблағлари Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг, ҳукуматга қарашли ва ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотлар, хорижий фуқароларнинг ҳомийлик маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ташкил топади;

Фондга тушадиган маблағлар солиққа тортилмайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш учун Фондга 2004 йилда 300,0 млн. сўм маблағ ажратсин ҳамда тасдиқланган давлат бюджети кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

2005 йилги давлат бюджетида мажмуада юқорида кўрсатилган ишларни давом эттириш учун Фондга тегишли маблағлар ажратишни режалаштирсин.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг бу хайрли ишга жорий йилда 50,0 млн. сўм ва кейинги йилларда 100,0 млн. сўм миқдорида маблағ ажратиш ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

6. Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бажариш учун Фонд ягона буюртмачи бўлиши белгилаб қўйилсин.

7. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда Фондни бино билан таъминласин.

8. Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Фанлар академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасини қайта тиклаш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, бу ердаги обидалар тарихини ўрганиш ишларини олиб боришда Фондга доимий ёрдам кўрсатсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасига зиёратларини ташкил этиш бўйича нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик қилишда Фондга ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

10. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлигига республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларида Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 16 июль.

# ҒАЛАБА МУБОРАК, РУСТАМ, ҒАЛАБА МУБОРАК, ЎЗБЕКИСТОН!

**«Рустам Қосимжоновнинг ғалабаси дунёнинг турли мамлакатларидаги кўп сонли шахмат мухлислари, мутахассислар, журналистлар ҳамда мамлакатимиз дўстлари томонидан юксак олқиш-эътирофга сазовор бўлмоқда. Бу ҳақда шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига келаётган табрик мактублари, хориж матбуотидаги шарҳлар шаҳодат бермоқда.**

Хурматли Ислом Абдуғаниевич! Россия олимпия қўмитаси ва шахсан ўз номимдан ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича FIDE жаҳон чемпионатидаги ғалабаси билан самимий табриклашга ижозат бергайсиз. Шахмат ўйини Шарқда кашф этилган ва бинобарин, Ўзбекистон вакилининг бундай улкан натижага эришгани рамзий маънога эгадир, — деб ёзади РОҚ президенти Леонид Тягачев. — Бу спортни ривожлантиришдаги давлат ғамхўрлиги, шахсан Сизнинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашда кўрсатаётган раҳнамолигингиз самарасидир. Бир вақтлар мен меҳмондўст ўзбек заминида фаолият кўрсатиш имконига эга бўлганман, ўзбек халқининг ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётганидан яхши бохабарман. Ишончим комилки, Афинада бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида Ўзбекистон вакиллари юксак натижаларни қўлга киритишади. Бугун сизни шахмат бўйича жаҳон чемпионатидаги ғалаба билан табриклаймоқдамиз, эртага эса Олимпия ўйинларидаги ғалабалар учун қутловлар қабул этасиз».

АҚШда нашр этиладиган «Вашингтон Таймс» газетаси Рустам Қосимжоновни «моҳир уста» деб таърифлаган. Финал сари илгарилар экан, Қосимжонов мусобақанинг тўртта энг кучли шахматчисини биринкетин мағлубият аламини татиб кўришга мажбур қилди, деб ёзади газета. Мақола муаллифи, айниқса, Қосимжоновнинг болгариялик шахматчи Топалов билан учрашувига эътибор қаратиб, ўйин давомида Ўзбекистон вакили вақтдан бениҳоя усталик билан фойдалана олишини кўрсатганини қайд этган.

«Вашингтон пост» газетаси шарҳловчиси, таниқли шахматчи Любомир Кавалек Рустам Қосимжонов мусобақанинг сўнгги босқичларида «ҳайратомуз ва бешафқат» ўйин намойиш этганини эътироф этиб, унга «мустаҳкам позицион услубга эга ва рақибига қарши шиддатли ҳужум уюштиришга қодир гроссмейстер», деб таъриф берган.

Ўзбек шахматчиси сўнгги йилларда ўз маҳоратини оширавётган Германиядан келган мактубда «Германия-Ўзбекистон-Германия» жамияти раиси Элизабет Мочман! «Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпионатидаги ғалабаси бутун бир мамлакатнинг муваффақиятидир», — деб таъкидлаган.

Ўзбекистон Президенти ва янги жаҳон чемпионини Исроил ҳукумати вазири Натан Шаранский ҳам самимий қутлаб, ўз табригини қуйидагича ифодалаган: «Мен шахматни юксак қадрловчи инсон ва ажойиб мамлакатингизнинг азалий дўсти сифатида сизлар билан бирга шодман ва фахр туйғусига тўламан. Шахмат қадимий ва ҳамиша навқирон ўйин сифатида қадимий ва ҳамиша навқирон ўзбек заминида иккинчи ҳаётга эга бўлди. Рустамнинг ажойиб ғалабаси—бу ўзбек халқига доимо шуҳрат келтирган битмас-туганмас ақлий ва маънавий салоҳиятнинг яна бир исботидир».

**«Жаҳон» АА**

Давоми. Боши 1-бетда.

Аэропортда ҳукумат ва шаҳар ҳокимлиги вакиллари, давлат арбоблари, фахрийлар, ёшлар, турли ташкилот, корхоналардан ташриф буюрган кишилар — жуда кўплаб юртдошларимиз қўлларида гулдасталар билан карнай-сурнай садолари остида шахмат чемпионини кутишди. Улар ёғаётган ёмғирга, табиатнинг инжиқликларига ҳам эътибор беришмас, кўзларида қувонч акс этиб, юртдошидан ғурурланиш туйғуси кўриниб турарди.

— Рустам Қосимжоновни кўриш учун атайлаб Олмалиқ шаҳридан келдим, — дейди Нигора Ҳамидова. — Ўзим боғчада ишлайман. Телевизордан Рустамнинг жаҳон чемпиони бўлганлигини эшитиб, ўзбекнинг дунё чўққисига чиққанлигини кўз олдимга келтириб очиғи, йиғлаб юбордим. Менинг ҳам тўрт нафар фарзандим бор. Ниятим — уларга ҳам шундай юксак чўққиларга чиқиш насиб қилсин.

— Мен тенгдошим Рустам Қосимжоновни кутиб олаётганимдан жуда ҳам фахрланаман, — дейди Ўзбекистон Миллий университетининг иқтисод факультети талабаси Музаффар Икромов. — Чунки у билан бир олий ўқув юртида ўқиймиз. Қувонарлиси, келажакда касбимиз ҳам бир хил бўлади. Бугун унинг ғалабаси ёшларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада кучайтирди. Негаки, Рустамжон интилиши, билим-қобилияти билан Юртбошимизнинг ёшларга яратиб бераётган шарт-шароитларидан тўғри фойдаланиб, бутун дунёни ўзига ром қилди.




— Рустамнинг шахмат қиролига айланганидан жуда ҳам хурсандман, — дейди шахмат бўйича Осиё чемпиони Антон Филиппов. — Спортнинг бу тури билан шуғулланадиган ҳар қандай одам шахматда жуда катта инсон тафаккури талаб қилинишини яхши билади. Юртимиздан ана шундай бой тафаккурга эга спортчининг жаҳон шахмат тожини кийиши мамлакатимизга бутун дунёнинг нигоҳини туширди.

— Ҳақиқий йигит ўз сўзининг устидан чиқди, — дейди Рустам Қосимжоновни бағрига босар экан, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов. — Юртбошимиз томонидан компьютер совға қилинганда «Худо хоҳласа, жаҳон чемпиони бўламан», деган Рустамнинг сўзларини биз унутганимиз йўқ эди. Мана у жаҳон майдонида Президентимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам», деган сўзларини исботлади...

Рустам Қосимжоновнинг ўзи эса рақиблари билан шахмат доналарини сураётган вақтида бутун Ўзбекистон уни кузатаётганлигини, ютишини истаб дуо қилишаётганлигини ҳис қилиб, сезиб турганлиги, шунинг учун бу ютуқни фақат ўзининг эмас, балки бутун ўзбекистонликларнинг ғалабаси деб билишини алоҳида таъкидлади.

Аэропортдан автоуловлар оқими Рустам Қосимжоновнинг хонадони томон йўл олди. Уни бутун маҳалладошлари чеҳраларида қувонч, фахр-ифтихор туйғулари билан кутиб олишди. Шу куни мард ватандошимизнинг уйи бутун ўзбекнинг файзли тўйхонасига айланиб кетди десак адашмаймиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: Рустам Қосимжоновни кутиб олишнинг ҳаяжонли лаҳзалари.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

**16 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил биринчи ярим йиллигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 февралдаги мажлисида Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг бажарилишига бағишланган мажлиси бўлди.**

Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида белгилаб берган устувор вазифаларни ҳаётга кенг жорий этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ўзининг самараларини бераётгани таъкидланди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш йўли изчил ва аниқ йўналтирилган ҳолда амалга оширилди. Натижада иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатларига эришилди, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаоллиги сезиларли даражада ошди. Олти ой ичида мамлакатимизда илк бор ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6,2 фоиз ўсиши таъминланди. Бу ўтган йилнинг шу даври даражасига нисбатан 1,6 баравар, яъни 3,8 фоиз кўп, деганидир. Бундай юқори кўрсаткичга аввало саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти, чакана савдо айланмаси, пуллик хизматлар кўпайиши эвазига эришилди.

Хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,6 фоиз ўсди. Транспорт ва алоқа соҳасида 7,6 фоиз, қишлоқ хўжалигида 10,4 фоиз юксалиш қайд этилди. Бу йилги ҳосилдан бошоқли дон экинларининг давлат хариди ҳажми бажарилди.

Иқтисодиётнинг жадал ўсиши давлат молияси, пул муомаласи тизими ва ташқи савдо секторининг мувозанатланиши билан уйғунликда кечди. Бу, ўз галида, умумий макроиқтисодий барқарорлик таъминланиши ва олтин-валюта захираларимиз янада кўпайиши учун муҳим омил бўлди.

Ташқи савдо айланмаси 24,5 фоиз, экспортнинг ялпи ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 25,2 фоиз кўпайди. Ташқи савдо балансида 689,1 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди.

Пул-кредит сиёсати инфляция жараёнларини чеклаш ҳамда миллий валютамизнинг алмашув курсини барқарорлаштиришни таъминлашга қаратилди. Иқтисодий ўсиш ва инфляциянинг пасайиши аҳоли реал даромадларининг ўсишини таъминлади. Ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич 16,7 фоизни ташкил этди.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг хусусийлаштириш жараёнини ва иқтисодиётдаги хусусий секторнинг ролини кучайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш каби муҳим иқтисодий соҳаларда ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор фармонлари негизида янги механизмларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши бу соҳаларда ижобий ўзгаришлар кафолати бўлаётгани қайд этилди.

Ярим йилликда хусусийлаштириш суръатлари жадаллашди. Устав фондларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари сони икки баравар қисқарди. 1132 давлат корхонаси, объектлар, акциялар пакетлари ва улушлар хусусийлаштирилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда икки баравар кўпдир.

Қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш тизими такомиллаштирилмоқда. Тендер савдоларидан фақат бюджет буюртмалари бўйича олинган шартли иқтисодий самара 8,7 миллиард сўмни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил якунларига бағишланган мажлисда барча даражадаги мавжуд давлат, тармоқ ва ҳудудий бошқарув тизимининг нуқсон ва иллатларини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этиб, бу тизимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини батафсил кўрсатиб берган эди. Ўтган даврда Юртбошимизнинг ана шу кўрсатмалари асосида маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш доирасида муайян юмушлар бажарилди. Жумладан, давлат ва хўжалик бошқарувининг 32 органи бўйича қарорлар қабул қилинди. Бошқарув ходимлари қарийб 40 минг кишига қисқарди. Юқори ликвидли ресурсларнинг 21 тури бўйича тақсимлаш тизими тугатилди ва уларни биржа савдолари, аукционлар ҳамда тўғридан-тўғри шартномалар орқали сотиш механизми жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, мажлисда иқтисодиётнинг муайян йўналишларидаги мавжуд муаммолар жиддий танқид қилинди. Айрим ҳудудларда давлат активларини инвестиция мажбуриятлари остида бепул беришни таъминлаш билан боғлиқ ташкилий ишлар зарур даражада йўлга қўйилмаган. Баъзи вилоятларда хусусийлаштириш дастури топшириқлари бажарилмаётир.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида фаолият кўрсатиши кўзда тутилган қатор корхоналар томонидан ўтган даврда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича белгиланган ҳажмлар бажарилиши таъминланмади. Қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан оқилона, мақсадли ва самарали фойдаланилмаяпти. Уй-жой-коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари қониқарсиз амалга оширилмоқда. 2004–2005 йил куз-қиш даврига тайёргарлик борасида ҳам жиддий ишлар бажарилиши тақозо этилади.

Иқтисодий-ижтимоий ва демократик янгиланишлар йўлига ғов-тўсиқ бўлаётган бундай камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш зарурлигига эътибор қаратилди. Мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришни кўзда тутувчи энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада юксалтириш борасида мутасадди ташкилотлар раҳбарларига тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Мажлисда «Меҳр ва мурувват йили» дастури, Президентимизнинг Республика Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирларга оид, мактаб таълимини янада ривожлантиришга қаратилган фармонлари ҳамда улар ижросини таъминлаш борасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари Ў.Султонов ва Р.Файзуллаев, давлат мулки қўмитаси раиси М.Асқаров, республика товар-хомашё биржаси раиси Т.Тўхтабоев, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси раиси Ғ.Иброҳимов, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси раиси Ш.Умаров, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директори Ў.Холмуҳамедов, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раиси Э.Шоисматов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**ЎзА**

## Оламда нима гап?

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Америкалик олимлар ер атмосферасини ўрганиш дастури доирасида Калифорния штатида «Вандерберг» авиабазасида янги режага қўл урдилар. Улар «Aura» номли илмий-сунъий йўлдошни авиабазадан учирдилар. Оғирлиги уч тоннадан иборат бўлган бу қурилма ракета ёрдамида 700 километр баландликдаги ер орбитасига олиб чиқилади. Атмосферани ўрганишга бағишланган илмий дастурни амалга ошириш учун 785 миллион АҚШ доллари сарфланди.

● Италияда мамлакат бош вазири Ариэл Шарон ва мухолифатчилар етакчиси Шимон Перес ўртасида коалицион ҳукумат тузиш юзасидан музокаралар бошланди. Айни пайтда мухолифатчилар Фаластиндан бир томонлама ажралиш тўғрисидаги Шарон режасининг амалга оширилишига ўз норозиликларини билдиришмоқда.

● Италияда уяли алоқа телефонидан фойдаланувчилар «иш ташлаш» эълон қилишмоқчи. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи уюшма барча уяли алоқа телефонига эга бўлган фуқароларни 15 июлдан бошлаб ҳар куни икки соатдан телефонни ўчириб қўйишга чақирди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, биргина шунинг ўзи компанияларга 500 миллион евро миқдорида зарар келтириши мумкин экан. Истеъмолчилар уяли алоқа телефонига кўрсатилаётган хизматларнинг ўта қимматлигидан норози.

● Чеченистоннинг Грозний вилоятида мамлакат президенти лавозимини вақтинча бошқариб келаётган Сергей Абрамовга суиқасд уюштирилган эди. Ушбу иш юзасидан Чеченистон прокуратураси жиноий иш қўзғаб, содир этилган воқеаларни терроризм дея баҳолади. Бундан ташқари ўша куни Чеченистоннинг Артур қишлоғида федерал кучлар ва номаълум гуруҳ жангарилари ўртасида қуролли тўқнашув содир бўлди. Ўзаро отишмалар тахминан 11 соат давом этган. Тарқатилган хабарларга кўра, жангарилар 12 нафар чечен хавфсизлик хизмати ходимларини асир олишган.

● Аджария ҳуқуқ-тартибот идоралари собиқ уч амалдорни қамоққа олди. Булар мухтор республиканинг собиқ ички ишлар вазири Илью Цулукидзе, унинг ўринбосари Мераб Микаладзе, Батуми портининг собиқ бошлиғи Аслан Болквадзелардир. Аджария прокуратурасининг маълум қилишича, яқин кунларда уларга нисбатан расмий айблов эълон қилинади.

● АҚШнинг Калифорния штатида истиқомат қилувчи Росс Андерсон бир неча йиллар давомида бир кишига мўлжалланган мўъжаз самолёт ясаган эди. Ўтган йили эса самолётни белгиланган тартибга кўра рўйхатдан ўтказишга эришди. Ҳар куни Калифорния штатидаги уйидан Чино шаҳридаги иши томон ўз самолётида қатнашни одат қилган Андерсонга чоршанба куни парвоз охирги бўлди. Кўтарилиш чоғида у икки уйга урилиб, оқибатда бевақт оламдан кўз юмди.

# АДОЛАТЛИЛИК — АСОСИЙ ТАМОЙИЛ

**Мамлакатимиз муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа арафасида турибди. Шу йилнинг 26 декабрида илк бор икки палатали парламентга ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади.**

Катта аҳамиятга молик бу сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш ва унинг муваффақиятли ўтказилишида Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти алоҳида ўрин тутади. Айни кунларда Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов қонунчилигини тарғиб қилиш ва сайлов жараёнларини тушунтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу йили ўтказиладиган галдаги сайловларнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат? Марказий сайлов комиссияси, жойлардаги сайлов комиссиялари ва сайлов участкалари қандай вазифаларни амалга оширади? Сайловчилар ўртасида тайёргарлик ишлари қандай олиб борилади? Шу каби саволларга жавоблар Марказий сайлов комиссияси томонидан пойтахт фаоллари учун ташкил этилган семинар-тренингда ўз ифодасини топди.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг раиси Бўритош Мустафоев давлатимиз қонунчилигининг ҳуқуқий асослари ҳамда мамлакатимизда парламент сайлов кампаниясини уюштириш масалалари хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларнинг барчаси демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланаётганидан далолат беради. Ўтган вақт ичида мустақил юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатловчи, мамлакатимизда ички ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланиш сиёсатини юритиш учун барча шарт-шароитларни таъминловчи ҳуқуқий пойдевор яратилган.

Шу билан бирга вақтнинг ўзи тараққиёт йўлида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш зарурлигини тақозо этмоқда, шу жумладан қонунчилик соҳасида ҳам. Мамлакатимизда 13 йил ичида бир палатали қонунчилик органи — Олий Мажлис амал қилиб келди. 2002 йилда икки палатали парламентга ўтиш юзасидан ўтказилган умумхалқ референдуми мамлакатимизда демократик тамойиллар асосида ривожланишнинг янги даврини очиб берди ва эндиликда унинг амалга жорий этилиши барча жабҳалардаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалаларни ҳал этилиши, ижтимоий тараққиётнинг янада самарали ривожланишига замин яратади.

Таъкидлаш лозимки, яқин орада ҳар биримизнинг кундалик ҳаётимизга икки палатали парламент, Қонунчилик палатаси, Сенат, сенатор каби янги тушунчалар кириб келади ва улар қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланаётганлар учун ҳам, барча фуқаролар учун ҳам бирдек аҳамиятга эга бўлади. Бугунги кунда икки палатали парламент 75 та давлатда жорий этилган. 2005 йилда уларнинг сафига Ўзбекистон ҳам киради.

Семинарда шунингдек, Марказий сайлов комиссияси фаолиятига доир масалалар бўйича ҳам тушунча бериб ўтилди. Маълумки, ўз фаолиятини доимий равишда олиб борувчи Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис сайловларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилган ва унинг асосий мақсад ва вазифалари қонунчилик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлилик каби бешта тамойил асосида амалга оширилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 120 депутатдан иборат бўлади. Демак, ўз-ўзидан Қонунчилик палатасига сайлов Марказий сайлов комиссияси ваколати остида ташкил этиладиган 120 та сайлов округи бўйича ўтказилади.

Қонунчилик палатасига номзодларни тавсия этиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ҳамда бевосита фуқаролар эгадир.

Қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайловлар куни шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига ҳам сайловлар бўлиб ўтади. Хусусан, Тошкент шаҳар Кенгашига 60 та депутат сайланади.

Парламентнинг юқори палатаси — Сенатга сайловлар маҳаллий вакиллик органлари сайланганидан кейин, лекин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан иборат давлат вакиллик органлари депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ўзбекистон Конституциясининг 77-моддасига мувофиқ Сенатнинг 16 нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Жаҳон амалиётида сайловлар демократик жараён ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда ўтказиладиган сайловларда кўп давлатлардан, турли халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши шубҳасиз. Эътиборга молик томони яна шундаки, кузатувчилар сайловларга тайёргарлик кўриш, уларни ўтказиш ҳамда сайлов натижаларини эълон қилиш каби жараёнларда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Бўлажак сайловлар нечоғлик ошкоралик ва очиқ тарзда ўтиши, бу сиёсий тадбирда фуқаролар ихтиёрий равишда иштирок этиши кўп жиҳатдан турли фуқаролик институтлари, шу жумладан маҳаллаларнинг фаоллигига боғлиқдир. Шунингдек, сайловчиларнинг фуқаролик ва сиёсий фаоллигини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳам каттадир. Айнан газета, телевидение ва радионинг омма орасига кириб бориб бўлажак сайловларнинг аҳамияти ва моҳияти тўғрисида тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боришда имкониятлари чексиз. Шу билан бирга оммавий ахборот воситалари томонидан яратилган тенг ҳуқуқли шароитлар асосида депутатликка номзодлар — сиёсий партиялар ёки ташаббускор гуруҳлардан бўладими — ўз дастурларини сайловчиларга тақдим этиш имкониятига эга.

Семинарда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида лойиҳа раҳбари Олим Жумаев таъкидлаб ўтганидек, сайловларда депутатликка номзодларнинг этик ва ахлоқий одоб меъёрларига риоя этишига алоҳида эътибор қаратилади. Уларнинг ҳар бири сайловолди ва бошқа номзодлар билан ўзаро муносабатларда сиёсий одоб қоидаларига амал қилиши, рақиблари ва сайловчиларига нисбатан демократияга зид бўлган кўринишларга йўл қўймаслиги лозим.

Семинарда шунингдек, бошқа жамоат ва сиёсий тузилмаларнинг роли кенг очиб берилди, ошкора ва очиқ сайлов жараёнининг механизмларига доир масалалар кўриб чиқилди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Агар сиз билимдон бўлсангиз, ўзгаларга ҳам уни ўргатинг. Сиздаги нурдан улар ҳам ўз шамчироқларини ёндириб олишсин.

**РИВОЯТ**. Эронда бир подшоҳ бўлиб, унинг шундай одати бор экан. У жанг қилганда, яхши ташкил этилган ва яхши таъминланган қора либосли алоҳида бир қисм сипоҳлари бўлар экан. Жанг қизиган пайтда ўша сипоҳларига олдинга чиқиб, жанг қилишни буюрар экан. Шундай бўлибдики, ёғий томондан эллик мингга яқин катта қўшин келиб, уруш хавфи туғилибди.

Подшоҳ ўз дилига хуш келган хос одамлар билан мағрур ўтирарди. У жангни бошқа кунга кўчиришни ихтиёр қилибди. Қаламдон ва қаламни талаб қилиб, бир парча қоғозга: «Айтинг, қора либосли сипоҳлар қайтсинлар»,— деб ёзиб уни вазирга берибди. Вазир ўқиб чиқибди, лекин бу гап унга ёқмабди. У ўзининг саҳтиён этигининг кўнжидан қаламдонни олиб, сийаҳ сўзининг остига бир нуқта қуйиб, уни сипоҳдорон қилибди, сўнгра гарданд сўзига битта нун қўшиб, уни «нагарданд» қилибди ва у ўз қўшинига юборибди. Улар мактубни ўқиб чиққач, олға юриб душман сипоҳларига шикаст етказибдилар. Шу боис учун «Сийар ул- мулук»да бир нуқта билан 50 минг қилич тор-мор қилинган деб ёзилган. Шундай қилиб, қудратли душмандан ақл-заковат билан ғолиблик қилинган экан.

БАЙТ:

**Баҳслашганда сен**
**доимо эзмалардан**
**нари қоч,**
**Ҳамманинг тили**
**бурро, ақлчи —**
**оз одамда.**

● Ховлиқиш, шошилиш — пушаймонликнинг синглиси. Шошма-шошарлик пушаймонликдан ажралмайди. Шошилиш бўлган ерда надомат ҳам бўлади. Шошма-шошар бўлмасанг, муродинг осонлик билан ҳосил бўлади.

● Улфат ва муҳаббатнинг шарти takаллуфсиз бўлишдир.

● Нодоннинг дўстлиги кулфат ва машаққатдан ўзга нарса ҳосил этмайди.

● Ўз мартаба ва даражасини билмаган, ўзини ҳаммадан юқори тутган киши — эътибор ва илтифотдан соқитдир. Ҳеч ким уни кўзга илмайди.

● Очиқ ва мулойимлик билан сўзлаш қаҳр-ғазабли кишининг ғазаб ўтига сув каби таъсир қилади, яъни сув ўтни ўчирган каби мулойим сўзлаш ҳам ғазабли кишининг аччиғини пасайтириб, кўнглини юмшатади.

Байт:

**Ҳамма одамга сен**
**яхши қилиқ қил,**
**Тилингни хуш,**
**чиройингни илиқ қил.**

● Қаҳр-ғазабни енгган киши келгуси истироҳатини таъмин этади.

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

# СЕН ЁЛҒИЗ ЭМАССАН, ЎҒЛОН !

**Бугунги кунда меҳр-мурувватли инсонлар орамизда кўплаб топилади. Жумладан, Қуролли кучларимиз сафларида ҳам Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганларнинг бошларини силаётган олижаноб инсонлар бор. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Бастакорлар уюшмаси аъзоси, майор Авазбек Маллабоев етакчилик қилаётган ҳарбий оркестрга меҳрибонлик уйларида тарбияланиб, сўнгра генерал Петров номидаги мусиқа мактаб-интернатида оркестр йўналиши бўйича таҳсил олган ўн нафар ўсмирлар қабул қилинди.**

Баҳром Мамадалиев — Фарғона вилоятининг Бувайда туманида туғилган. Ҳозирда ҳарбий қисмда тарбияланувчи сифатида мусиқа илмидан сабоқ олиб, тенор асбобини чалишни ўрганаяпти.

Баҳромжон бу ерга келгунига қадар кечган ҳаётини қуйидагича ҳикоя қилиб берди.

— Болалигимни яхши эслолмайман. Ёдимда қолгани 4-5 ёшимда ойим синглим иккаламизни Меҳрибонлик уйига олиб борган. Дадамни эслолмайман. Ойим улар ҳақида ҳеч нарса айтмаганлар. Борйўқликларини ҳам билмайман. Билганим ойим Бувайдадан тўрт фарзандини бағрига босиб, Қўқонга бувимларникига келган. Бизни боқишга қийналганлар. Шунинг учун синглим иккаламизни Меҳрибонлик уйига топширганлар. Аммо бизни ташлаб қўйганлари йўқ. Доимо шанба куни бувимларникига олиб борарди. Бирга шаҳримизни айланардик. Ширинликлар олиб берарди. Меҳрибонлик уйида Аҳмаджон ака деган устозим бор. Таътилга чиққанимизда уйга бораман ва албатта уни кўришга ошиқаман.

Мана, 2003 йилнинг ноябрь ойидан эса ҳарбий қисмдаги мазкур оркестрга қабул қилиндик. Ойижонимга ҳарбий либосдаги суратимни юбордим. «Ўзимнинг аскар боламдан ўргилай», дея роса қувониб, хат ёзибдилар. Ўтган йили таътилда ойижонимга рўмол совға қилдим. Севинганларидан йиғлаб юбордилар. Ромеш ва Муҳсин уччаламиз доим биргамиз, сирдошмиз. Келажакда ойимга ўзим қарайман, эл-юрт хизматидаги инсон бўлишга ҳаракат қиламан.

**Хонбиби ҲИММАТ қизи.**

*Транспорт*

# ЯНГИ ТРАМВАЙ ВАГОНЛАРИ

**Республикамиз пойтахти аҳолисига кўрсатилаётган транспорт хизматини янада яхшилаш мақсадида «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.**

Трамвай вагонларида йўловчиларни ташиш жараёнлари ҳам давр талаблари асосида ташкил этилмоқда. Компаниянинг Россия федерациясидаги «Уралтрансмаш» заводи билан ҳамкорлиги туфайли йўловчилар янги трамвай вагонларига эга бўладилар.

Ўзаро келишувга биноан бу корхона Тошкентга 60 та замонавий вагонларни тайёрлаб жўнатади. Уларнинг бир қисми йил охиригача олиб келинади.

Ушбу буюртма трамвай вагонлари ўзининг ташқи рангли безаги билан ҳам йўловчилар эътиборини ўзига тортади.

«Уралтрансмаш» заводи трамвайлар учун эҳтиёт қисмлар — ойналарни ҳам тайёрлаб беради.

*Темир йўллар*

# ЛОКОМОТИВ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАНМАЛАРИ

**«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат ҳиссадорлик компаниясининг локомотив хўжалигида ҳаракат таркибларининг фойдаланиш муддатини узайтириш борасида кўрилаётган техник тадбирлар яхши самара бермоқда.**

Шу йўналишда электровозлар ғилдирак жуфи емирилишининг асосланган меъёрларини ишлаб чиқиш ва режа бўйича таъмирлашга ҳам киришилди. Бу эса поездларнинг масофа босишини янада ошириш имконини беради.

Локомотив хўжалигида махсус тайёрланган тавсиялар ҳам ижобий баҳоланди. Бундан ташқари «10Д-100» русумли тепловоз дизели икки тартибли пуркагичнинг конус найчаси учига тиркаладиган пружина ишланмаси ҳам юзага келди. Дизель ичидаги ҳавони тозалаш учун фильтр элементи ишланмаси ҳам тайёр бўлди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Ҳуқуқ*

# ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

**«Тошкент» халқаро аэропорти ҳар доимгидек одамлар билан гавжум. Соат миллари тахминан 16 дан 30 дақиқа ўтганини кўрсатарди. Шу орада «Тошкент —Уфа» йўналиши бўйича йўловчиларни рўйхатдан ўтказиш бошланди. «Халқаро ташувларни ташкиллаштириш хизмати» бўлими ходими Азиз Юлдашев аэропортнинг юк ташувчиси Алихон Ғуломов билан биргаликда йўловчилар юкларини назоратдан ўтказиб, рўйхатга олиб туришган вақтда навбати етиб келган йўловчи Қаҳрамон Диканбаев оғирлиги 84 килограммни ташкил қиладиган 3 та жой юкини рўйхатдан ўтказмоқчи бўлди. Юкларни ўлчаб кўрган Азиз Юлдашев ўз оёғи билан келган тайёр «ўлжа»дан ичида хурсанд бўлди ва йўловчи Диканбаевга:**

— Ортиқча 64 килограмм юкингиз бор экан, шунинг учун «Тошкент» аэропорти ғазнасига 84.000 сўм пул тўлашингиз керак бўлади, яхшиси бизлар билан келишсангиз, сизнинг юкларингизни кўнгилдагидек қилиб, манзилингизга жўнатиб юборамиз, — деди айёрона жилмайиб...

Ваҳоланки, Қаҳрамон Диканбаев бундан бир ҳафтача олдин «Тошкент—Уфа» йўналиши бўйича авиа чипта нархини билиш учун келиб, олиб кетажак юкларини шу ерда ишловчи ходимлардан қай йўсинда ўтказиш мумкинлигини сўраганида улар агар биз билан келишсангиз, юкларингизни бемалол ўз манзилингизга олиб кетишингиз мумкин, дейишган эди. Бундай хатти-ҳаракатларнинг ноқонуний эканлигини фаҳмлаган Қаҳрамон Диканбаев эса жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида зудлик билан тегишли органларга ушбу ҳақда ариза билан мурожаат қилган эди...

— Майли мен розиман, фақат ёнимда унча пулим йўқ эди, 45.000 сўм пулим бор, шуни сизларга бераман, — деди. — Йўқ 50.000 сўм пулни берсангиз беринг, бўлмаса 84.000 сўм пулни ғазнага топширинг, — деди орага суқилган Азиз Юлдашевнинг шериги Алихон Ғуломов. Келишилгандан сўнг Азиз Юлдашев йўловчи Қаҳрамон Диканбаевга: — Пулни ёнингдаги шеригингга, у эса мана бу кузатувчига, яъни Алихон Ғуломовга бериб, ўзинг регистрациядан ўтиб кетавер, — деди. Шериги Азиздан «Пулни шу ерда бераверайми?» деб сўраганида, Азиз «Бу ерда эмас, пастда берасанлар, ҳозир шеригим чиқиб, сиздан пулни олади» деди. Кейин йўловчининг шериги пастга тушиб кетди, унинг орқасидан эса Алихон Ғуломов пулни олиш учун йўл олди ва Қаҳрамон Диканбаевнинг шеригини пастдаги «Боинг» қаҳвахонасига бошлаб кирди. Улар бориб столга жойлашгач қаҳва ичиб гаплашиб ўтиришди. Алихон ёнидаги шеригидан пулни сўради ва у чиқариб берган 1000 сўмлик ва 500 сўмлик пулларни санаб ҳам ўтирмасдан ички чап чўнтагига солиб қўйди. Шериги столдан туриб кетгач ўзи ҳам иш жойига йўл олди ва ташқарига чиқиб улгурмасдан махсус хизмат ходимлари томонидан қўлга олинди...

Бундай ноқонуний йўл билан ишлаб турган, лавозимини суиистеъмол қилиб, товламачилик йўли билан йўловчилардан юки учун ҳақ талаб қиладиган айрим иймонини унутган кимсаларни бу йўлдан қайтариш учун ўз вақтида кўрилган зарур чора-тадбирлар натижасида яна бир ноқонуний ҳаракатнинг олди олинди. Айбланувчилар, Халқаро ташувларни ташкиллаштириш хизмати бўлими ходими, агент Азиз Юлдашев ва Халқаро аэропортнинг юк ташувчиси Алихон Ғуломовлар ўз айбларига иқрор бўлиб, қилган ишларидан ниҳоятда афсусда эканликларини билдиришди. Аммо энди кеч, чунки ғишт қолипдан кўчган, жиноят аллақачон содир этилган эди. Ваҳоланки, муқаддам судланган, яъни 2003 йилнинг 11 декабрида Сергели тумани суди томонидан Республика Жиноят кодексининг 25-170-моддаси 2- қисми «Б» банди билан айбланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Конституциясининг 11 йиллиги муносабати билан эълон қилинган Амнистия тўғрисидаги фармонига асосан жавобгарликдан озод қилинган Азиз Юлдашев шунда ҳам ўзига керакли хулоса чиқариб олмади...

Тергов натижаларига кўра айбдор деб топилган бу иккала шахс қонун олдида жавоб бердилар.

Шу ерда бир нарсага ҳайрон қолади киши. Ахир ҳар бир ноқонуний тўлдирилган юк ҳужжатлари, норматив қонун ҳужжатларини бузиш, умуман авиациядаги ҳар бир қонуний ҳаракат нафақат учиш хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, балки йўловчилар ҳаётига ҳам хавф туғдиради-ку! Наҳотки кўра била туриб, айбланувчиларга бундай ишлари учун ишхонадан яхши тавсифнома беришса?!. Хўш, айбланувчилар кечирилди ҳам дейлик, лекин улар энди бундай ноқонуний ҳаракатларга яна қўл урмайди деб ким кафолат бера олади?

Умид қиламизки, бундан сўнг ҳар бир мутасадди ташкилот раҳбарлари ва ходимлари бундай хатоликларга йўл қўймасдан хизмат вазифасини сидқидилдан адо этади. Зеро, қинғир ишнинг қийиғи 40 йилда ҳам очилади дейишади. Кишиларни яхши фазилатлари учун тақдирлашса, қилган ёмон ишлари учун жазолашади. Шундай экан, ҳар биримиз фақатгина яхши хислатларимиз учун тақдирланиб яшашга интилайлик ва ҳар бир ноқонуний ҳаракатнинг олдини олишга қўлимиздан келганча ўз ҳиссамизни қўшайлик.

**Ўлмас ОТАБОЕВ,**
**Тошкент авиация транспорти прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси,**
**Рисолат РАҲМОНОВА,**
**журналист.**

*Турфа олам*

## GESHEM СУНЪИЙ ЁМҒИР ЁҒДИРАДИ

**НАСА мутахассислари Бельгиянинг Брюссель ҳамда Исроилнинг Бен Гурион университетлари олимлари билан ҳамкорликда сунъий ёмғир ёғдириш қурилмасини ишлаб чиқди. Geshem (ёмғир) деб номланган мазкур қурилма қуруқ иқлим ҳукмрон ҳудудларда ёғингарчиликни юзага келтириш имконини беради.**

Дунё олимлари мавжуд булутлар ёрдамида ёғингарчилик келтириб чиқариш йўлларини аллақачон кашф этган. Бироқ булутнинг ўзини ҳосил қилиш усули ҳали ишлаб чиқилмаганди.

Хўш, сунъий ёғингарчилик мосламаси қандай ишлайди? Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, саҳронинг қоқ марказига қора рангли панеллар жойлаштирилиб, ўзига хос «иссиқлик ороли» ташкил қилинади. Улар ўзида тўпланган қуёш нурлари ёрдамида ҳаво таркибидаги буғларни катта тезликда атмосфера қатламига олиб чиқади ва булут ҳосил қилади.

Geshem лойиҳасининг яратилишига иқлимшунослар ўтказган тадқиқотлар ҳам туртки бўлди. Маълумки, шаҳарлардаги ҳарорат қишлоқлардагига нисбатан 4-5 даража юқори бўлади. Бу ҳудудлар қуёш нурларининг бутун қувватини ўзида жамлаб, иссиқ ҳаво оқимини атмосферага ҳайдаб чиқаради. Бунинг натижасида эса булутлар пайдо бўлади.

Шаҳар марказларидаги ҳароратнинг чекка ҳудудлардагига қараганда юқорироқ бўлишининг сабаби нимада? Олимларнинг фикрича, шаҳарларда асфальт йўлларнинг ҳамда бетон томли уйларнинг кўплиги иқлимнинг ўзгаришига таъсир этади. Чунки улар доимий равишда иссиқликни қабул қилиб-тарқатиб туради.

Исроилда барпо этилаётган сунъий ёғин қурилмаси 9 минг квадрат километр майдонни қамраб олади. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 10 миллион АҚШ долларига тенг. Ҳозир мутахассислар Geshem лойиҳаси харажатларини камайтириш мақсадида тажриба тариқасида янги хом ашё турларидан фойдаланаётир. Кутилган натижага эришилса, сунъий ёмғирнинг нархи анча арзонлашади.

**Азиз АКБАРЗОДА**

**Ўзбекистон ва Европа иттифоқи ўртасида имзоланган ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги келишувни амалга оширишга кўмаклашиш борасида Европей дастури янги лойиҳани бошлади. Мазкур лойиҳа мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган.**

# ТАДБИРКОРНИ ҚЎЛЛАШ УЧУН

Ривожланган давлатларнинг тажрибаларидан маълумки, иқтисодиётнинг тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик катта аҳамиятга эга. Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда ҳам ушбу секторни шакллантиришга ҳукумат даражасида эътибор қаратилиб, тадбиркорларнинг самарали ишлашлари учун кўпгина имкониятлар яратилмоқда. Бунинг учун мустаҳкам қонунчилик базаси ҳам мавжуд. У даврга ҳамоҳанг тарзда босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. Лекин меъёрий ҳужжатларнинг амалий ижроси масаласига келганда, маълум бир тўсиқлар ҳам борки, буни тадбиркорлар бюрократик тўсиқлар деб аташади. Ана шундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида мамлакатимизда ишлаётган "Европей" дастури Республика "Тадбиркор аёллар" уюшмаси билан биргаликда семинар-тренингларни ташкил этмоқда.

Лойиҳанинг дастлабки босқичида асосий эътибор ушбу соҳада юқори малакали тренерларни тайёрлашга қаратилди. Европалик экспертлар ҳамда маҳаллий мутахассислар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган дастур асосида республика бўйича 48 нафар бизнес тренер тайёрланмоқда. Улар орасида тадбиркорлар, давлат органларининг ўрта бўғин вакиллари, нодавлат ташкилотлардан мутахассислар бор. Машғулотларда тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар таҳлил қилиниб, ҳаракат стратегияси ишлаб чиқилади. Семинар тренинг қатнашчилари шунингдек, мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини тайёрлашмоқда. Лойиҳа якунида бу ерда таҳсил олган тренерлар республикамиздаги барча вилоятларда ҳам худди шундай тренинглар ташкил қилишади.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.**

**2004 йил 27 июль куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:**

1. "Ссанг Енг Муссо" автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 26-81, бошланғич нархи 2 000 000 сўм, техник носоз;
2. "БМВ-520" автомобили, 1988 йилда чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 23-32 В, бошланғич нархи 4 480 000 сўм;
3. "Маз-5423" юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 583, бошланғич нархи 12 960 000 сўм, техник соз;
4. "Маз-5423" юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 479, бошланғич нархи 12 960 000 сўм, техник соз;
5. "Тойота- Руннер" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AN 228, бошланғич нархи 5 000 000 сўм, тех.соз;
6. "Ваз-2108" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 23 Д 81-19, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз;
7. ЗИЛ-130 автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 627, техник носоз, бошланғич нархи 1.420.000 сўм
8. ЗИЛ-555 автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 631, техник носоз, бошланғич нархи 1.486.000 сўм
9. ЗИЛ-130 автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 976, техник носоз, бошланғич нархи 1.252.000 сўм;
10. ТАТРА –815 самосвал автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 078, техник носоз, бошланғич нархи 5.650.000 сўм;
11. ЗИЛ-130 автокрани, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич нархи 1.252.000 сўм.

Ким ошди савдоси соат 16.00да бўлади.

**2004 йил 17 август куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади**

1. М-412 ИЭ ИЖ автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AJ 193, бошланғич нархи 175 000 сўм;
2. "КАВЗ-685" автобуси, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 811, бошланғич нархи 600 000 сўм;
3. "ЮМЗ 6Л" трактори, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
4. "Газ-31029" автомашина, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AJ 192, бошланғич нархи 330 000 сўм;
5. "Паз-3201" автобуси, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 15-07 ТНМ, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
6. "Зил-ММЗ-4502" юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 602, бошланғич нархи 330 000 сўм, техник носоз;
7. "ТАРЗ-3270" автобуси, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 36-73 ТНБ, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
8. "УАЗ-31512-02" автомобили, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AR 652, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
9. "Уаз-452 Д" юк автомобили, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 99-93 ТНМ, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз.

---

**Ким ошди савдолари соат 16-00да бошланади.**

**Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.**

**Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**

**Маълумот учун телефонлар:, 144-54-08, 41-16-38**

**ТОШКЕНТ МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ КОЛЛЕЖИ 2004-2005 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРГА ЎҚИШ УЧУН ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**9-СИНФНИ БИТИРГАН АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН:**

I. МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ АДМИНСТРАТОРИ.
II. САРТАРОШЛИК САНЪАТИ ВА ДЕКОРАТИВ КОСМЕТИКА УСТАСИ
III. БУХГАЛТЕР-АУДИТОР.
IV. РЕСТОРАН ХИЗМАТИ АДМИНИСТРАТОРИ.
V. МАРКЕТОЛОГ

**ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.**
**ҲУЖЖАТЛАР 2004 ЙИЛНИНГ 31 ИЮЛИГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:**

1. Шаҳодатнома 9-синф (асл нусха).
2. Тиббий маълумотнома Ф-086.
3. Расм 3х4 — 6 дона.
4. Туғилганлик тўғрисидаги маълумотнома нусхаси.
5. Туман халқ таълими бўлимидан тавсифнома.
6. Истиқомат қилаётган жойдан маълумотнома.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели—1, Лутфкор кўчаси, 33.**
**ТЕЛЕФОНЛАР: 58-38-85, 57-57-29.**

Инглиз тили бўйича тажрибали ўқитувчи олий ўқув юртларига абитуриентлар тайёрлайди.

Телефон: 24-19-47

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 132-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Мирзахидова Шохида Хайрилла қизи номига берилган АО № 314884 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

*Ҳурматли 9-синф битирувчилари!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ КИБЕРНЕТИКА ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ «КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ**

**2004-2005 ўқув йили учун аниқ фанлар йўналишида иқтидорли ҳамда компьютер технологияси бўйича чуқур билим олиб, келгусида нуфузли олий ўқув юртларига киришни хоҳлаган 9-синф битирувчиларини ўқишга қабул қилади.**

Академик лицейга назарий ва амалий машғулотларни Фанлар академияси илмий-текшириш институтларининг тажрибали, етакчи олимлари олиб борадилар.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
- академик лицей директори номига ариза;
- 9-синфни битирганлик ҳақида шаҳодатнома (асл нусхаси);
- туғилганлик ҳақида гувоҳнома (нусхаси);
- 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- доимий яшаш жойидан маълумотнома;
- 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
- психологик — педагогик ташхис марказининг тавсияномаси.

**Ҳужжатларни қабул қилиш 31июлгача давом этади.**

**Манзил: Ф. Хўжаев кўчаси, 34 «а» — уй.**
**Кибернетика институти биноси ёнида.**
**Мўлжал: Академиклар шаҳарчаси, 17, 63, 83, 96, 129-автобусларнинг, 17, 18 -троллейбусларнинг ҳамда 6, 13 -трамвайларнинг «Академиклар шаҳарчаси» бекати.**
**Маълумот учун телефон: 162-71-75.**

*Спорт*

## МЕРГАНЛАР БАҲСИ

**Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ташаббуси билан «Bars sporting» спорт клубида ўқ отиш бўйича Ўзбекистон чемпионати ва клуб биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.**

Эллик нафарга яқин спортчи иштирок этган ушбу қизиқарли мусобақанинг траншели стенд йўналишида Алексей Ремнев биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, Юрий Пономарёва иккинчи, Шуҳрат Ғаниевга учинчи ўринлар насиб этди.

Айлана стенд беллашувларида эса Алексей Черненко бошқа рақибларидан маҳоратлироқ эканлигини исбот қилган бўлса, Сергей Покровекий ва Игорь Подгасцкийлар иккинчи, учинчи ўринлар билан кифояланишди.

Овчилар беллашувларида Тоҳир Ягмурзин шоҳсупа тўрининг энг юқорисини эгаллаган бўлса, Андрей Писарьков ҳамда Алексей Ляшенколар совриндор бўлишди. Овчилар баҳсларининг яна бирида эса Ҳайрулла Ҳошимовнинг маҳоратига барча тан берди. А.Холмуҳамедов ва Петр Шумаевлар иккинчи, учинчи ўринлар эгасига айланишди. Ўсмирлар ўртасида Ш.Мамажонов, Андрей Пономарёв ва Алексей Писарьковларга ҳам совриндор бўлиш насиб этди.

Мусобақалар якунида ғолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари топширилди.

## ПОЛВОНЛАР ГИЛАМГА ЧИҚИШДИ

**Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган ўзбек кураши бўйича III Босфурс халқаро турнири 15 та давлат полвонлари ўртасида уюштирилди.**

Эркаклар ва қизлар ўртасида бўлиб ўтган муросасиз беллашувларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам иштирок этишиб, мутахассислару мухлисларда яхши таассурот қолдиришди.

Эркаклар ўртасида ўз вазн тоифаларида озарбайжонлик Элчин Қосимов, ўзбекистонлик Давлат Чориев, эронлик Али Ризоийлар биринчи ўринни эгаллашган бўлса, қизлар баҳсида туркиялик Канон Каштан, Челден Булут, Белкаш Каяларга тенг келадиган рақиб топилмади. Дарвоқе, ҳамюртимиз Маҳтумқули Маҳмудов 73 килограмм вазн тоифасида кумуш медаль совриндори бўлганини ифтихор билан таъкидлаш жоиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

*(Эртаклар)*

## САДОҚАТЛИ ХОТИН

Кунлардан бирида тоғлик бир йигит овулидан бозорга тушиб келибди. Унинг мақсади пешонасидаги биттаю битта отини мўмайроқ пулга сотиш ёки соғин сигирга алмаштириш экан. Бозордаги воқеа шундай кечибди: отнинг эвазига сигирли бўлибди, сигирни эшакка алмашиб юборибди, эшакни сотиб пулига этик харид қилибди, этикни эса оқ папахга берибди, папахини тошқин сой оқизиб кетибди.

Шундай қилиб у уйига икки қўлини бурнига тиққанича қуруқ жўнабди. Йўлда унга бой савдогарлар йўлиқибди. Улар бир ерда дам олиш учун тўхтаб, гурунгни авжига чиқаришибди. Тоғлик йигит уларга бозорда бошидан ўтган воқеаларни сўзлаб берибди.

— Энди нима қиласан? — дея сўрашибди савдогарлар. — Хотининг сени уйингга киритмайди.

— Бекорларни айтибсиз, у мени жуда яхши кўради. Ҳаммасини кечириб юборади, — дебди йигит ишонч билан.

Бироқ савдогарлар унинг сўзларига асло ишонишмабди. Хотини уйга киритмаслигига қатъий ишонч ҳосил қилишиб, катта пулдан гаров ўйнашибди.

Савдогарлар тоғликнинг уйига киришиб, бир бурчакка сездирмай яширениб олишибди. Нафасларини ичларига ютганча тоғлик йигитнинг сўзларига қулоқ солишибди. Тоғлик гапни отни сигирга алмашганидан бошлаган экан, хотини суюниб кетибди.

— Жуда яхши бўлибди-да. Болаларга ҳам, меҳмонларга ҳам сут бўларкан энди.

Шунда эри сигирни эшакка алмашиб юборганини айтибди.

— Унданам яхши бўлибдику. Энди тегирмондан унни, тоғдан ўтинни орқалаб ташимайдиган бўлибсиз, — дея янада суюниб кетибди хотини.

— Бироқ эшакни этикка бериб юбордим-да...

— Мунчаям яхши иш қилибсиз-а, — дебди хотини заррача афсусланмай, — душман доим оёққа қарайди. Оёғингиздаги янги этикни кўрган душманларингиз бир куйишсин.

Эри этикни оқ папахга алмаштирганини айтаркан, хотини шу захотиёқ унинг сўзини илиб дебди:

— Дўст доим бошга қарайди. Бошингиздаги янги папахни кўрган дўстларингиз росаям қувонадиган бўлишибди.

Ниҳоят эри папахни тошқин сой суви оқизиб кетганини айтган экан, хотини қувончдан қийқириб юборибди:

— Яратганга минг шукрлар бўлсинки, ўзингиз эсон-омон қолибсиз!

Шундай деб хотини эрининг бағрига отилиб, юз-кўзларидан ўпа бошлабди.

Савдогарлар садоқатли хотинга тасаннолар айтишиб, уларга талай пул бериб кетишибди.

Тоғлик билан хотини эса бу пулга йўқотилган ҳамма нарсани сотиб олишибди ва ортган пулни хайрли ишларга сарфлашибди.

## ЎЙНАШМАГИН УСТОЗ БИЛАН

Қадимги Грецияда Пратагор кўп шогирдлар етиштириб чиқарган машҳур софцет (гапга чечанлар тайёрловчи) устоз ҳисобланади.

У Эватл исмли шогирдидан оқловчи тайёрлашга киришади. Чунки у шогирдида бунга қобилият сезган эди. Улар шартнома тузадилар. Аҳдлашувга кўра Эватл шартнома тузилгандан кейиноқ тўловнинг ярмини келтириб бериши назарда тутилганди. Қолганини эса жараёнда биринчи марта ютиб чиққан ишдан кейин тўларди.

Ўқув муддати ҳам тугайди. Шогирд устоз қўл остида гапга чечанлик санъатини пухта эгаллайди. Аммо ҳа деганда иш бошлашни хаёлига ҳам келтирмайди. Бекор юраверади. Бундан ажабланган устоз ундан сўрайди:

— Бу нима қилганинг? Қачон судда қатнашиб, мени ўз санъатингдан баҳра олдирасан? Ахир ўша кунни кутавериб тоқатим тоқ бўлаёзди-ку? Қолаверса, шартномадаги қолган пулни ҳам тўлашинг керак!

— Устоз, суд жараёнида қатнашишга ҳечам истагим бўлмаяпти.

— Сенда жараёнда қатнашиш истаги бўлмаса, менда сенинг ютиб чиқишингдан қувониш ва ҳаққимнинг иккинчи қисмини олиш истаги бор. Бўла қол, тезроқ ишга кириш.

— Сўзга чиқишни хаёлимга ҳам келтирмаяпман, устоз. Ҳакамларни ўлгудек ёмон кўриб, қолганман.

—Бўлмаса, нега ўқидинг?

— Ўқигим келувди, ўқидимда...

— Ундай бўлса, ҳаққимнинг қолганини тўлаб қўй. Йўқса, мен сени судга бераман.

— Бормисиз, устозжон! Бир яхшилик қилиб мени судга беринг. Билиб турибман, барибир ўзингиз ютқазиб қўясиз. Мен буни аллақачон ўйлаб қўйганман. Ахир ўзингиз биласиз, мен сизнинг гапга чечан шогирдингизман-ку.

— Қани айт-чи, нималарни ўйлаб қўйгансан?

— Мана, ўзингиз қаранг: агар ҳакамлар менга шартномадаги ҳақни тўлашга ҳукм чиқарсалар, демак, мен биринчи жараёндаёқ ютқазиб қўйган бўламан. Бас, шундай бўлгач, мен ҳақнинг иккинчи қисмини тўлашдан озодман. Бордию ҳакамлар сизнинг даъвоингизни рад этсалар, унда сиз қолган ҳаққингизни суд орқали икки дунёда ҳам ундириб ололмайсиз.

— Йўқ, ноқобил шогирджон, агар ҳакамлар ишни мен томонга ҳал этсалар, унда мен сендан ҳаққимни суд ҳукми бўйича оламан, бордию ишни рад этсалар, унда шартномамизга кўра сен ишда ютиб чиққан бўласан ва ҳаққимни тўлаб қўйишга мажбурсан. Мана кўрдингми, нодон шогирдгинам, иш қандай кечади.

—Кўрамиз, қайси биримиз ҳақ бўлиб чиқарканмиз.Тезроқ мени судга беринг.

Ўзининг ҳақлигига ишонган устоз шогирди устидан судга даъво аризаси берди.

Ҳакамлар даъвогар ва жавобгар орасидаги шартнома шартларини бузмаган ҳолда Пратагор ўз ҳаққининг иккинчи ярмини Эватлдан ундириб олиш имконини яратувчи қарор чиқаришди: Пратагорнинг даъво аризаси рад этилсин ва Эватл биринчи суд жараёнида ютиб чиққан ҳисобланиб, Пратагорга ушбу жараёнга ишора қилинган ҳолда янги даъво қўзғашга ҳуқуқ берилсин!

**Тайёрловчи ва таржимон Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ.**

*Болалар спорти*

## ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҚДА

**Акмал Икромов туманидаги 81-ўрта мактабда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Билим маскани футбол майдонининг чим билан қопланиши ҳам ана шу эътибор самарасидир. Футбол ишқибозлари учун бундай қулайликни мактаб маъмурияти ота-оналар қўмитаси билан ҳамкорликда яратди.**

Абдулла Дўстматов номидаги ушбу мактаб асосан экологияга ихтисослаштирилган. Шу боисдан мактаб ҳудуди хилма-хил манзарали ва мевали дарахтлар, анвойи гуллар билан безанган. Билим масканида сабоқ олаётган 1400 нафарга яқин ўқувчи атроф-муҳит муҳофазасини ўрганиш билан бирга, спортга ҳам ҳавас қўйган. Мактабда ўқувчилар спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Болалар спортнинг 13 тури бўйича машғулотларда фаол иштирок этишмоқда. Спорт анжомлари билан мукаммал таъминланган зал, волейбол, баскетбол майдончалари болалар ихтиёрига бериб қўйилган.

Мактабда ўқув йили давомида синфлараро футбол чемпионатлари, қизлар ўртасида волейбол, баскетбол бўйича мусобақалар ўтказиб турилади. Бу эса ўқувчиларнинг мактаблараро ва туманлараро спорт мусобақаларида юқори ўринларни эгаллашига имкон яратмоқда. Бокс, кураш, футбол, шахмат-шашка, стол тенниси каби ўнга яқин тўгараклар фаолият кўрсатиши ҳам мактабда болалар спортини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшмоқда.

**Севара АБДУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицей талабаси.**

"ИШЛАБ ТОП!"

Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI KAMOLOT



Тошкент шаҳар "КАМОЛОТ"и тадбиркорларга "Ишлаб топ" ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади.

Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.
Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
Www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга "Тасвир" нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-809. 1 2 3 4 6